*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 19 декабрь жума.
Сотувда эркин нархда. № 255-256 (1772-1773)

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан Тошкент аэропорти ўртасида Тошкент аэропортини таъмирлаш учун 48 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Уни Тошкент аэропорти директори Исмоил Салимов ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг мамлакатимиздаги вакили Исао Каваниши имзолади.

Ушбу битимга асосан Тошкент аэропортининг ҳавога кўтарилиш ҳамда қўниш йўлаги, кутиш зали, емакхоналар, шунингдек, юк ташиш, коммуникация ва бошқа хизмат кўрсатиш жойлари жаҳон андозалари даражасида таъмирланади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида Тошкент аэропортини замонавийлаштириш учун кредит ажратиш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон ҳукумати томонидан кафолатлаш бўйича ҳужжат ҳам имзоланди. Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси молия вазири Жамшид Сайфиддинов ҳамда ЕТТБнинг мамлакатимиздаги вакили Исао Каваниши имзолади.

**(ЎзА)**

# БУНЁДКОРЛИК — САЛОҲИЯТИМИЗ РАМЗИ





Мустақиллик берган имкониятлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, пойтахтимиз Тошкент қиёфаси ўзгача салобат ва гўзаллик касб этаётир. Янги қурилган хиёбон ва йўллар, кўприклар, мамлакатимиз салоҳиятининг рамзи бўлган бинолар билан Президент Ислом Каримовнинг танишиши яхши анъанага айланиб қолди.

Хадра — Тошкентнинг энг гавжум майдонларидан бири. Бу ерда транспорт қатновини тартибга солиш, аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ер ости йўллари қурилди.

18 декабрь куни давлатимиз раҳбари ана шу майдонни кўздан кечирди. Бу ишга мутасадди бўлган раҳбарлар, қурувчилар, йўлсозлар билан суҳбатлашди.

Йўллар одамларга қулайлик туғдириш мақсадида қурилар экан, ундаги ҳар бир чироқ, белги, йўл ёқасидаги чегараловчи тўсиқлар — ҳаммаси ана шу мақсадга хизмат қилиши керак, деди Президент. Бундан ташқари йўл ва унинг атрофидаги бинолар ўртасида, майдонларнинг бир-бири билан туташишида мутаносиблик, уйғунлик бўлишига эришиш лозим.

Халқлар дўстлиги ва Хадра майдонларини туташтирувчи ер ости йўлларини, майдонда амалга оширилаётган қурилиш ишларини ниҳоясига етказишда ана шу нуқтаи назардан ёндашиш зарурлиги таъкидланди. Тегишли раҳбарларга бу борада тавсиялар берилди.

Янги йил арафасида яна бир иншоот — республика Олий Мажлисининг муҳташам биноси қуриб битказилди. Замонавий технология ва миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этилган мазкур иншоотни кўздан кечирар экан, ҳеч нарса Президентнинг назаридан четда қолмади. Деворларни қадимий миниатюра услубида безаш, фаввораларга рангли чироқлар ўрнатиш ҳақида маслаҳат берди, эшик ва қандилларнинг қаерда тайёрлангани билан қизиқди. Шуниси қувончлики, уларнинг аксарияти ўзимизда тайёрланган.

Демак, бу қандил ва бошқа буюмлар ўз номи ва патентига эга бўлиши керак. Чунки унда, Ўзбекистонда тайёрланган унга ўхшаш ҳар бир буюмда халқимизнинг илми, ўткир зеҳни ва фидокорона меҳнати мужассамдир. Биз ана шу меҳнатни доимо қадрлашимиз лозим, дея уқтирди Президент. Парламент биноси атрофини кўкаламзорлаштириш, унинг Миллий боғ билан ягона мажмуага айлантириш борасида зарур маслаҳатлар берди.

Бундай маҳобатли бинолар миллатимиз фахри, юртимизда қарор топган тинчлик ва осойишталик самарасидир, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Қолаверса, парламент халқ хоҳиш-иродасини ифодаловчи, демократия жараёнлари чуқурлашиб бораётган Ўзбекистоннинг рамзи экан, мана шундай кўнглимиз каби оқ, орзуларимиз каби сарбаланд binода ишлашга муносибдир. Бинонинг улкан ва қудратли устунлари эса Ўзбекистон аталмиш озод ва обод Ватаннинг мангулиги тимсолидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда, хусусан пойтахтда бунёд этилаётган бундай муҳташам бинолар шаҳар кўркига-кўрк қўшмоқда. Замонавий техника воситаларидан фойдаланиш, миллий меъморчилик анъаналарини қўллаш орқали қурувчиларимиз катта муваффақиятларга эришаётганини намойиш этмоқда. Президент сидқидилдан қилган меҳнатлари учун меъмор, муҳандис ва қурувчиларга миннатдорлик билдирди. Бинодан самарали фойдаланиш юзасидан тавсиялар берди. Бундай бинолар халқимизга асрлар давомида хизмат қилишга қодирдир, уларни асраб-авайлаш, келажак авлодларга бутун салобати ва гўзаллигини сақлаган ҳолда етказиш барчамизнинг бурчимиздир, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбарининг иншоотлар билан танишуви чоғида унга республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳамроҳлик қилди.

**(ЎзА).**

**Суратларда: Президентнинг янги қурилиш иншоотлари билан танишуви пайти.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган суратлар.**

## СОАТ МИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ — ПАЙШАНБА ХАБАРЛАРИ

*ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!*

### ПРЕЗИДЕНТ УЙ БЕРДИ

*Сарлавҳани худди шундай ёзишларингизни, менинг гапларимни ўзгаришсиз газетада босишларингизни ўтиниб сўрайман... Бугун ичимдаги қувончим, кўнглимдаги шодлигим чексиз.*

*Севинганимдан кўз ёш тўкаяпман. Яшашдан умидини узиб, тамоман тушкунликка тушган, тақдирнинг қоронғу сўқмоқларида гангиб қолган аёлнинг ҳаёти кутилмаганда ёришиб кетишини тасаввур қилиб кўринг.*

*Қисматимда бор экан. Бешафқат дард тўшакка михлади. Икки оёғим ва бир қўлим ишламай қолди. Икки нафар қизалоғим билан ота-онамнинг уйида яшай бошладим. Укаларимни уйлантиришди, келинлар тушди. Охири уй-жой сўраб ногиронлар аравачасида ҳокимиятга бордим. Ҳокимимиз Ўринбой ака Қўлдошев: «Бу йилни Президентимиз Инсон манфаатлари йили деб эълон қилдилар. Албатта, сизга ёрдам берамиз», — дедилар.*

*Бугун ҳаётимда бир умр эсдан чиқмайдиган воқеа юз берди. Мен яна яшашга қайтдим. Фарзандларим ўн яшар Шахноза ва саккиз яшар Насибахонлар билан туман марказидаги икки хонали уйга кўчиб ўтдик. Биринчи қаватда. Ихчамгина ҳовлиси бор. Инсон манфаатлари йили биз учун қутлуғ келди. Юртбошимизни ҳар лаҳза дуо қилаяпман. Айниқса, қизалоқларим бот-бот: «Ойи, бизга Президентимиз уй бердилар-а?..» — дейишади. Шунда кўзимдан хурсандчилик ёшлари тўкилади. Бу мен ва умидим — фарзандларим саодати учун қилинган улуғ ғамхўрликдир.*

**Малика ҒАЙБУЛЛАЕВА,**
**Жиззах вилояти,**
**Дўстлик шаҳри.**

**ХАВОТИР**

### МАҚБУЛ ИШНИНГ «ЛЕКИН»И

*Қарши шаҳридан Турсун Мухторов шу мазмунда мактуб йўллабди:*

*«Ўғлим иккинчи синфга боради. У лотин алифбоси бўйича ўқияпти. Бу яхши. Аммо... дарсликлардан бошқа китобларни ўқиёлмайди.*

*Болалар тафаккурини равнақ топтириш учун лотин алифбосида битилган ўзбекча китоблар, қизиқарли эртаклар топиш маҳол. ЎзТВда шу асосда болаларбоп кўрсатувлар берилмайди ҳисоб.*

*Тасаввурини бойитиб бориш учун қайғуришдан кўра, бошқа муҳимроқ иш бўлиши мумкинми? Бу ҳолатда фарзандларимиз саводсиз бўлиб қолишадику!»*

**АВВАЛ**

### МУҲАНДИСНИНГ ШОХИ ҲАҚИДА

*«Халқ сўзи» газетасининг 11 ноябрь сонида айнан «... соат миллари» рукнида «Муҳандиснинг шохи бор» сарлавҳали хабар босилган эди. Унда Тошкент шаҳри М. Улуғбек тумани Г. Петров (ким у киши?) 2-кўчасида қувур ёрилганлиги боис учта қудуқдан бир ойдан бери сув тошиб ётганлиги айтилганди. Шундан сўнг воқеадан воқиф бўлган туман ҳокимлиги таҳририятга жавоб хати йўллабди.*

**БАРАКАЛЛА !**

### ҚУДУҚДАН СУВ ТОШМАЯПТИ

*«... Шуни маълум қиламизки, Генерал Петров 2-кўчаси, 1-уй ёнида ёрилган қувур 1-туман сув тармоқларини таъмирлаш хизмати бўлими томонидан тузатилди.*

**Ҳокимнинг биринчи ўринбосари**
**З. Файзуллаев».**

**ШУНАҚА ГАПЛАР...**

### ЎҒРИ УШЛАНДИ

*Китоб тумани шоҳ бекатида қаровсиз қолдирилган ВАЗ-21011 русумли автоуловга кўзи тушган У.F. нинг хаёли бузилади. Ҳеч иккиланмай бировнинг машинасини олиб қочади, — деб хабар берди Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот марказидан Ўроз Ҳайдаров. — Уловидан айрилган Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида яшовчи Ҳаким Каримов қўлини қўлтиққа уриб туман ички ишлар бўлимига келди. Тезкор қидирув эълон қилинди. Автомашина Шаҳрисабз туманидаги Бобур номли жамоа хўжалиги ҳудудидан топилди. Уни олиб қочган ўғри қўлга тушди.*

**Соат милларини Қўчқор НОРҚОБИЛ кузатди.**

**Телефонларимиз:** 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85.

## ЮНУС РАЖАБИЙ ХОТИРАСИ

**Ўзбек мусиқа санъатининг атоқли намояндаларидан бири, Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабий халқимиз мусиқий маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган сиймодир. Миллий маънавиятимиз дурдоналаридан бўлмиш Шашмақомнинг қайта тикланиши ва олти жилдга жамланиши ҳам унинг номи билан боғлиқ.**

Бастакорнинг беш жилдлик “Ўзбек халқ мусиқаси” тўплами, “Мусиқий меросимизга бир назар” рисоласи, қатор мусиқий драмалари, куй ва қўшиқлари, ижро этган бетакрор мумтоз ашулалари унинг авлодларга қолдирган меросидир.

Тошкентда Юнус Ражабий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Маданият ва санъат арбоблари устоз қабрини зиёрат қилдилар, унинг уй-музейида бўлдилар.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзтелерадио компанияси, Бастакорлар уюшмаси, Театр арбоблари уюшмаси томонидан ташкил этилган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбир олдидан Юнус Ражабий ҳаёти ва ижодий фаолияти акс эттирилган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Кечани маданият ишлари вазири Х. Жўраев очди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А. Орипов, Ўзбекистон халқ рассоми А. Мирзаев, Фанлар академиясининг вице-президенти А. Муҳаммаджонов ва бошқалар серқирра ижодини халқига бағишлаган Юнус Ражабийнинг ўзбек мусиқа санъатини, хусусан, мақомчиликни ривожлантиришдаги улкан хизматларини алоҳида таъкидладилар. Кечада Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли ва бошқа ижодий гуруҳлар томонидан мақомлардан намуналар, бастакорнинг куй ва қўшиқлари ижро этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

**(ЎзА)**

*Оила жамиятнинг асосий бўғинидир*

## OILA

19 декабрь
НИШОНА СОНИ
ЖУМА
1997 йил

*«Халқ сўзи» газетасининг иловаси*



***Ватаннинг ободлиги, мустаҳкам ва тинч-осойишталиги шу заминда яшаётган одамларнинг, қолаверса, аҳил оилаларнинг тотувлигига асосланади. Шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисда 1998 йилни Оила йили деб эълон қилдилар. Ва бу бутун халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди.***

***Бундан буён ижодий жамоамиз мунтазам равишда «Оила» деб номланган илова сонини чоп этишни режалаштирди. Янги йилдан бошлаб мамлакатимиз халқлари ўртасидаги ўзаро инсоний муносабатлар, оилалардаги азалий урф-одатларнинг боқийлиги, шунингдек, оиланинг жамият олдидаги масъуллиги, мустақил давлатимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни тарбиялашдаги вазифалари, қолаверса, бу мураккаб жараённи изчил суръатда ёритиб боришни ният қилдик. Бугун эса...***

***Нишона сони материаллари билан газетамизнинг ички саҳифаларида танишасиз.***

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

**Халқ сўзи**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**Нашр кўрсаткичи:** якка газетхонлар учун — **229**; ташкилотлар учун — **230**

| Обуна нархи: | 1 ойга П/қ; | 1 ойга манзил | 3 ойга П/қ; | 3 ойга манзил | 6 ойга П/қ; | 6 ойга манзил | йиллик П/қ; | йиллик манзил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| - якка шаҳслар учун | 168 | 212 | 504 | 636 | 1008 | 1272 | 2016 | 2544 |
| - ташкилотлар учун | 266 | 418 | 798 | 1254 | 1596 | 2508 | 3192 | 5016 |

Ф МТ-1

“Ўзбекистон почтаси” Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ______ (нашр кўрсаткичи)

*Халқ сўзи*

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ______ (Почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга ______ (фамилияси, исми ва отасини исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.в. Жойи

______ (нашр кўрсаткичи)

*Халқ сўзи*

Обунани янги манзилга юбориш — Баҳоси ______ Сўм — Баҳоси ______ Сўм — Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга ______ (Почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга ______ (фамилияси, исми ва отасини исми)

**Қадрли муштарийлар! Эслатиб ўтамиз, газетамизга обуна йил бўйи давом этаверади.**

# БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ X СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

## ҲАЁТ МАЗМУНИ

Янги йил, қолаверса, рўзайи-Рамазон арафаси ўзбек оилалари учун қутлуғ келди. Юртбошимиз оилалар фаровонлигини ўйлаб келгуси йилни «Оила йили» деб эълон қилганликларини биз, оналар катта қувонч ва фахр билан кутиб олдик. Фарзандларим яна бир хушхабарни айтиб қолишди. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси» лойиҳаси кўриб чиқилар экан. Бу икки муҳим воқеа азалдан оилани муқаддас, деб билган ўзбек хонадонлари учун ниҳоятда кўнгиллидир.

Ҳақиқатан ҳам эл фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги, фарзандларимиз баркамоллиги, оила, қолаверса, унинг аъзолари аҳиллиги билан белгиланади. 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши одамлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлайди, унутилиб бораётган анъаналарни, урф-одатларни қайта тиклайди, деб умид қиламан. Мен кўп йиллик тажрибамга асосланиб оила пойдеворининг мустаҳкам бўлиши аёлларга боғлиқлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман...

Халқ вакиллари иштирокида кўриб чиқиладиган «Оила кодекси»да эса ўзбекона урф-одатлар, шарқона удумлар қонун моддаларида ўзига хос тарзда ифодаланишини жуда ҳам истар эдим. Чунки биз азалдан оилани муқаддас даргоҳ ҳисоблаб келганмиз. Халқимизнинг бу борада минг йиллардан бери шаклланиб келаётган анъаналари бор. Ушбу анъаналар қонуний тарзда қайд этилса, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

**Тиллахон ОТАЖОНОВА,**
**кўп болали она,**
**меҳнат фахрийси.**
**Қувасой шаҳри.**

## ҚОНУНЛАР КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

*— дейди Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти кафедра мудири, Олий Мажлис депутати Шукурилло ЙЎЛДОШЕВ*

**— Аввало, Олий Мажлис X сессиясида муҳокама этилиши кўзда тутилаётган масалалар хусусида фикрингизни билмоқчи эдик.**

— Маълумки, йил якунида бўлиб ўтадиган бу галги сессия кун тартибида ўнга яқин муҳим ҳужжат ва масалалар муҳокама этилади. Масалан, «Оила кодекси» лойиҳасини олайлик. Бу ҳужжат лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар муҳокамасига тақдим этилаяпти. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, халқимиз болажон, оилапарвар халқ. Шу боис ҳам бизда оила тушунчаси ниҳоятда эзгу, ноёб туйғу сифатида қадрланган. 1998 йилни Оила йили деб эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Депутатларимиз, қолаверса, барча аҳоли ана шундай эзгу туйғулар мужассам бўлган яна бир ҳужжатни муҳокама этадилар. Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳам ота-боболаримиз амал қилиб келган инсоний аъмолларни бугунги ёшлар, келажак авлод қалбида камол топтиришга хизмат қилади, деб умид қиламиз.

Қадим қўлёзма адабиётлар, тарихий асарларда акс эттирилган турли хил дов-дарахт ёки жонзотлар ҳимоясини таъминлайдиган қонуний ҳужжат йўқлиги боис жаннатмакон жойлар пайҳон этилди, мағрибу машриққа машҳур бўлган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси бир қадар ғариблашиб қолди. Халқимиз дилидаги бундай муаммоларни Олий Мажлис сессияси даражасига олиб чиқилишининг ўзиёқ бизда экология, табиат муҳофазаси ҳам бош масалалардан бирига айланганлигидан дарак беради.

**— Кейинги сессияларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ерга, мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш ҳамда деҳқончилик маданиятини такомиллаштириш борасида бир қатор қонунлар қабул қилинди. Уларга сизнинг депутат сифатидаги муносабатингиз қандай?**

— Олий Мажлиснинг ўтган тўққизта сессиясида икки юзга яқин меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўсимликлар карантини, Ер, Деҳқон хўжалиги, Уруғчилик, Наслчилик тўғрисидаги қонунлар ана шулар жумласидандир. Уларни тайёрлаш жараёнида ўнлаб олимлар, мутахассислар, экспертлар гуруҳи, илмий муассаса ва тегишли вазирликлар иштирок этишди. Ва айтиш мумкинки, барча меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда энг аввало халқимизнинг миллий удум ва анъаналарига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки биз танлаган йўл ва давр моҳияти шуни тақозо этади.

**— Қонунлар қабул қилинаётгани қувонарли ҳол, албатта. Лекин уларнинг ижроси таъминланаяптими?**

— Тўғри гап. Қонун кўп бўлса-ю, лекин ишламаса, дарҳақиқат хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боис ҳам юртбошимиз қачон ва қаерда бўлмасин, қонунлар механизми шаклланиб, тўлиқ ишлаб кетишини қатъий талаб қилаяптилар. Тан олиб айтиш керак, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги қонунлар ижроси жойлардаги раҳбарларга, жумладан, биз депутатларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўзимиз қонун қабул қилсагу унинг ижросини таъминлашда бефарқлик қилсак, унда сайловчиларимиз ишончини оқлашимиз қийин.

Ўзбекистонда аграр соҳани, жойларда ерга, мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш долзарб масала. Зеро деҳқон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин ишлаш, ажратилган ер майдонлари ҳосилдорлигини ошириш, етиштирган маҳсулотидан манфаат кўришнинг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаш ана шу қонунлар асосини ташкил этади.

**— Сиз тилга олган мавзудан сал четлашсак. Ўзингиз айтганингиздек мамлакатимизда ҳозирча аграр тармоқ устунлик қилади. Лекин биз шу пайтгача деҳқончилик деганда фақат пахтани тасаввур қилиб келдик. Айни пайтда эса унга муносабат анча ўзгарди. Чунки аграр соҳани ривожлантириш учун пахтанинг ёнига ғалла, мева-сабзавот, полиз экинлари экиш, шу табаррук тупроқда неки етиштириш имкони бўлса улардан тўлиқ манфаатдор бўлиш, Ўзбекистон маҳсулотини тезроқ дунё бозорига олиб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Бунинг учун эса иқтидорли кадрлар керак...**

— Хабарингиз бор, ўтган галги сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ўз мазмун моҳияти билан мамлакатимиздаги ҳар бир соҳани иқтидорли ва билимли ёшлар билан таъминлашга йўналтирилган. Бу бўшлиқни ана шундай йўл билан тўлдириш мумкин. Лекин бугун яна бир муаммо билан юзма-юз бўлиб турибмиз. Бу мамлакат қишлоқ хўжалигини механизациялаш, замонавий, серунум, бир қадар чиқимсиз ишлайдиган техника ва технология билан таъминлаш масаласидир.

Ўтган сессияларда қабул қилинган қонунлар, дастурлар мамлакатдаги барча ўқув юртларида, жумладан, қишлоқ хўжалик мутахассислари тайёрлайдиган билим даргоҳларида янги дарсликлар яратиш заруриятини тақозо этаяпти. Қолаверса, аграр соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини тўлиқ замонавий техника билан таъминлаш, ерларнинг шўрланиш миқдорини пасайтириш каби муаммоларни ҳал этиш айниқса биз олимлар, ўқув юртларида таълим олаётган талабалар зиммасига катта масъулият юклайди.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Шодиёр КАРИМОВ суҳбатлашди.**





## ГАЗ ЯНАДА КЎПАЯДИ

*Ғузор туманидаги «Шўртангаз» газ конлари бошқармасида яқин кунларда газ ишлаб чиқариш қуввати ошади. Бу ерда республикамиз қурувчилари кучи билан яна бир йирик мажмуа — газни ҳар хил аралашмалардан тозалайдиган 5-блок қурилиши тугалланиш арафасида турибди. Мамлакатимизнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари иштирокида бунёд этилаётган ушбу иншоот фойдаланишга топширилгач, соатига 500 минг кубометр газни тозалаб, истеъмолчиларга етказиб беради.*

**СУРАТЛАРДА:** *«Шўртангазсаноатқурилиш» трестининг қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчиси Аҳад Маҳкамов.*

*Янги блокнинг умумий кўриниши.*

**Ш. ШАРОПОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

## БАНКИРЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 2 июлдаги «Нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш туфайли мамлакатимиз минтақаларида эмиссия даражасини пасайтириш ва пул муомаласини яхшилашга эришилди. Муҳими, ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсиш жараёни бошланиб, таназзул тўхтади, республикада макроиқтисодий вазият янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда, албатта, республика ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки — «Ғаллабанк» тизимининг ҳам ҳиссаси бор.

Яқинда «Ғаллабанк» раҳбарияти томонидан бу соҳада эришилган тажрибаларни умумлаштириш, йўл қўйилган камчиликларга барҳам бериш, шу тариқа истиқбол режаларини белгилаб олиш мақсадида Нукус, Қарши ва Наманган шаҳарларида минтақавий ўқув-йиғилишлар ўтказилди. Ўқув-йиғилишларда банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Наманган,Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидаги филиал ҳамда бўлимлари мутахассислари иштирок этдилар. Улар Марказий банк ва «Ғаллабанк» марказий идораси мутахассисларининг молиявий ахборотлар, компьютер тизими, уларнинг амалиётга жорий этиш усуллари ҳақидаги маърузаларини тинглаб, пул муомаласи ва эмиссия-касса амалиётлари, иш ҳақи тўланишини назорат қилиш ҳамда жамғармалар ҳисобини юритиш масалалари юзасидан ўзаро тажриба алмашдилар.

Ўқув машғулотлари банк фаолиятида мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини танлаш имконини берди.

**Й. ТОЖИБОЕВ.**

## БОБОТОҚҚА НУР КЕЛДИ

Сурхон воҳасининг энг чекка Боботоғдаги қишлоқлар аҳолиси электр қувватидан баҳраманд бўла бошлади. 93 километрлик электр ўтказгич линиясининг асосий қисми фойдаланишга топширилди. Бу хайрли иш туфайли тоғ қишлоқларидаги 3 мингдан зиёд аҳоли хонадонида электр нури ёна бошлади. Шу билан бу ердаги экин майдонларига сув чиқарадиган насос станцияларини электр энергияси билан таъминлаш масаласи ҳам ҳал бўлди.

**Ч. ТЎХТАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ● СОЛИҚДА

## «ДЖОН КЛУБ» ВА «ШАХНОЗАОЙ» СИРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 12 июндаги «Тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркалари қўлланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони жойларда қандай бажарилаётганлигини солиқчилар мунтазам назорат қилиб бормоқдалар.**

Фармон алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари олиб келиш ҳамда сотишни тартибга солишда, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, акциз маркаси бўлмаган, қачон ва қаерда тайёрлангани номаълум бўлган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўймоқда. Агар савдода шундай маҳсулотлар пайдо бўлгудек бўлса Фармонга биноан уларни сўзсиз мусодара этиш юзасидан солиқ идораларига кенг ҳуқуқлар берилди. Солиқчилар бу ҳуқуқлардан фойдаланиб, бозорлар ва савдо шохобчаларини акциз маркасиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотларидан тозаламоқдалар, ҳуқуқбузарликка йўл қўйган шахсларни фош этмоқдалар.

Солиқчилар кейинги тўрт ой давомида Фармон талабларига қандай риоя этилаётганлигини салкам ўн минг марта текширдилар. Текширувларнинг ярмида маҳсулотлар ва алкоголли ичимликларни олиб келиш ва сотиш тартиби бузилаётганлиги маълум бўлди.

Натижада 16,5 миллион сўмга яқин акциз маркасиз маҳсулотлар мусодара қилинди. Савдо қоидасини бузган 2275 кишига нисбатан 3 миллион 108,5 минг сўм жарима қўлланилди.

Давлат солиқ қўмитаси ҳайъат мажлисида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар муҳокама этилиб, фармон ижроси бўйича назоратни янада кучайтиришга қаратилган йўл-йўриқлар берилди. Ҳайъат мажлиси тавсияси билан яқинда яна икки кунлик рейд ўтказилди. Унда солиқ идораларининг уч мингдан ортиқ ходими иштирок этди. Рейд давомида 1120 нафар хўжалик юритувчи субъектлар текширилиб, улардан 926 тасида акциз маркаларини жорий этиш бўйича амалдаги қонунчилик бузилаётганлиги аниқланди. Қонунбузарлардан умумий суммаси 416,6 минг сўм бўлган акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари ва 874,1 минг сўмлик спиртли ичимликлар олиб қўйилди. Акциз маркаси билан маркаланмаган энг кўп спиртли ичимликлар «АКО интернейшнл» қўшма корхонасининг «Джон клуб» деб номланган тунги клуби ресторанидан чиқди. Ресторан спиртли ичимликларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга эмас экан. Шунга қарамай барда акциз маркасиз спиртли ичимликлар савдоси кенг йўлга қўйиб юборилибди. Солиқчилар текширув ўтказилган куни ҳар бир шиша арoқ ва коньякни пулга чақиб кўрдилар. Жами 519,5 минг сўмлик чиқди. Савдодан тушаётган жарақ-жарақ пуллар қаёққа кетаётганлиги ҳам солиқчиларни қизиқтирди. Шунда кассирлар М. Қобиловадан назорат касса машинасидан ўтказилмаган 10500 сўм, Е. Салимжоновадан 11200 сўм, И. Биковадан 1457 сўм чиқди. Билиб туриб қонунга зид иш қилган бу дугоналар устидан жиноий иш қўзғатилди.

Шунга ўхшаш ҳолат Ғаллаорол туманидаги «Шахнозаой» чойхонасида ҳам содир бўлди. Чойхона сотувчиси Ф. Ўролов дастлаб май ойида акциз маркасиз 14 шиша «Самарқанд» ароғи ва 31 пачка сигарета сотиб ўтирганида қўлга тушган эди. Ўшанда харидор ҳақига 48 сўм хиёнат ҳам қилган эди. Шу ножўя қилмишлари учун унга нисбатан 2250 сўм жарима қўлланилган, чойхона мудири З. Липасов ҳам 4200 сўм жаримага тортилган эди. Лекин бу жазо ўшанда ҳамтовоқ юлғичларга кор қилмаган экан.

Яқинда Жиззах вилояти солиқчилари яна шу чойхонада текширув ўтказганларида савдодан тушаётган пул назорат касса машинасидан ўтказилмаётганлиги маълум бўлди. Шу ҳолат бўйича энди жиноий иш қўзғатишга тўғри келди. Суд қарори билан айбдор мансабдор шахс З. Липасовга нисбатан 20 минг сўм миқдорида маъмурий жарима солинди.

Бундай воқеалар жойларда ҳамон учраб турганлиги ачинарли ҳолдир. Тадбиркорлик учун кенг йўллар очилган, ҳалол тижорат учун ҳуқуқий асослар яратилган бир пайтда айрим кишиларнинг қонунга зид иш қилаётганлигини кечириб бўладими?! Айрим нопок тижоратчи ва тадбиркорларнинг касрига қолиб одамлар заҳарланмоқда, оғир дардларга чалинмоқда. Бунга Бухоро вилоятида рўй берган ачинарли ҳол далилдир. Бу ерда қўлбола арoқни истеъмол қилган кишиларнинг бир қисми бевақт ҳаётдан кўз юмди, бир қисми мажруҳ бўлиб қолди. Акциз маркаси бўлмаган, қаерда ва кимлар томонидан ишлаб чиқарилгани номаълум бўлган спиртли ичимликларни истеъмол қилиш шундай аянчли оқибатларга олиб келди. Бундай кўнгилсизликлар такрорланмаслиги учун қонунбузарларга қарши курашда бутун жамоатчилик иштирок этса, айни муддаодир.

**Ж. НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати раҳбари.**

## САНАЦИЯЛАШ: ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

*Фарғона вилояти иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармасининг бошлиғи Баҳриддин БУРҲОНОВ билан суҳбат*

**— Баҳриддин ака, суҳбатимизнинг аввалида Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишининг аҳамияти ҳақида гапириб берсангиз?**

— Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бутун дунёда эътироф этилган ўзига хос қонунлари, йўл-йўриқлари бор. Бу механизм тўла шаклланмагунча, яъни корхоналар, ташкилотлар, айниқса, агросаноат мажмуидаги жамоалар янгича иқтисодий шароитда иш юритишни тўлиқ ўзлаштиргунга қадар улар қатор қийинчиликларни бошидан кечириши аниқ. Сабаби — уларнинг аксарияти юқоридан бериладиган кўрсатмалар, тақсимлаш ва режалаштириш принципи асосида ишлашга ўрганиб қолишган. Бугунги кунда эса жамики талаб ва истакларни бозорнинг ўзи белгилайди. Натижада Фармойишда таъкидланганидек, белгиланган вазифаларни мунтазам равишда бажармай келаётган, молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган, зиммасида катта миқдорда дебиторлик қарзлари ва бошқа тўловлар бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари сафи анча кенгайди. Шундай бир пайтда мазкур Фармойишнинг эълон қилингани айни муддао бўлди.

Бошқармамиз ана шу ҳужжат асосида қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Вилоят ҳокимининг Фармойишига асосан эса, қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия ўтган даврда вилоят қишлоқ хўжалиги тизимидаги мавжуд 191 та корхонанинг молиявий аҳволини чуқур ўрганиб, шундан 18 тасини банкротлик ҳолатидаги корхоналар сифатида эътироф этди.

**— Аниқ мисолларни келтира олмайсизми?**

— Масалан, Қўқондаги кўчма механизациялашган колонна ва Марғилондаги ипак қурти уруғчилиги ҳиссадорлик жамияти. Уларга хизмат тизимимиз доирасида амалий ёрдам кўрсатилди. Оқибатда 9 ойлик якунларга кўра, бу корхоналарда аҳвол анча ўзгариб, тўлов қобилиятининг яхшиланишига эришилганлиги кузатилди. Бу ҳол агар бошқа корхоналарнинг аҳволи ҳам чуқур ўрганилиб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берилса, самара яхши бўлишидан далолат беради.

**— Корхоналарнинг банкротлик ҳолатларига тушиб қолишларига асосий сабаб, сизнинг-ча, нима?**

— Корхоналар молиявий аҳволининг ёмонлашиши, тўлов қобилиятининг йўқолишига, асосан, бажарилган ишлар, сотилган товарлар учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабаб бўлмоқда. Дастлабки хулосалар шундай. Айтайлик, дебиторлик қарзларининг кўпайиб кетиши ўз-ўзидан айланма маблағларни «еб» қўйяпти. Натижада корхона бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмаётир.

Маълумки, амалдаги қонунларга биноан, солиқдан қарздор бўлган корхона тўлов муддати ўтгандан кейин жарима тўлайди. Мавзуимизга бевосита таалluқли бўлмаса-да, «Фарғона ип-йигирув корхонаси» ҳиссадорлик жамияти мисолида айрим далилларни айтиб ўтаман. Бу жамият муттасил равишда солиқ тўловларини тўламай келяпти. Шу боис жорий йилнинг сентябрь ойи учун унга 8,2 миллион сўм жарима ёзилди.

Қизиқ, бир пайтлар бутун собиқ иттифоққа донғи кетган ушбу корхона нега шундай аянчли аҳволга тушиб қолди? Эътибор беринг: унинг кредиторлик қарзлари 655 миллион сўмга тенг. Шундан 569 миллион сўми муддати ўтган қарзлар ҳисобланади. Корхонанинг солиқдан қарзлари 395 миллион сўмни ташкил этса, шунинг 205 миллион сўми ёки 52 фоизи устама жарима қарзларидир.

Корхонада 8 мингдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Уларнинг 85 фоизи аёллар ва қизлардан иборат. Мабодо амалдаги қонунлар бўйича бу корхона санация қилинмаса, вилоят енгил саноатининг энг кекса корхонаси ўз фаолиятини бутунлай тўхтатишга мажбур бўлади.

Банкротлик ва санация масалалари бўйича вилоят комиссияси, шунингдек, Марғилондаги «Ипакчи» ва «Хонатлас», Қўқондаги «Қўқон адёли» ва «Шоҳиатлас», Қувасойдаги «Исфайрам», «Қувасойконсерва», Фарғонадаги «Баркамол» ҳиссадорлик жамиятларини ҳам молиявий ночор аҳволлари боис, санация қилинишига муҳтож эканлигини аниқлаб, тегишли қарор қабул қилди. Бу корхоналар ва жамоаларни солиқдан ва ижтимоий суғурта фондидан қарзларининг тўлов муддатини кечиктириш йўли орқали санациялаш ҳақидаги таклифлар республика комиссиясига ҳавола этилди. Айни чоғда жамоаларни иқтисодий бўҳрон ёқасига олиб келиб қўйгани учун, «Исфайрам», «Хонатлас», «Фарғона ип-йигирув корхонаси» ҳиссадорлик жамиятларининг раҳбарлари эгаллаб турган вазифаларидан четлатилди.

**— Президентимиз Фармойишининг қабул қилиниши иқтисодий ночор жамоа хўжаликларини санациялаш орқали уларнинг молиявий аҳволини яхшилабгина қолмасдан, балки қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бу борада вилоятда қандай тушунтириш ишлари олиб бориляпти?**

— Вилоят ҳокимининг махсус фармойишига асосан, барча шаҳар ва туманларда август-сентябрь ойларида ўқув семинарлари ташкил этилди. Бу семинарларда тадбиркорлар, ишбилармонлар, корхона ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари, иқтисодчилар, бош ҳисобчилар катта қизиқиш, манфаатдорлик билан қатнашдилар. Чунки машғулотларни республикамизнинг йирик иқтисодчи олимлари, вилоят солиқ, банк, хўжалик судлари, адлия бошқармалари раҳбарлари ва мутахассислари олиб боришди. Натижада одамлар банкротлик ва санациялаш ҳақида муҳим тушунча ва кўникмалар ҳосил қилдилар. Бундай тадбирлар ҳозир ҳам амалга оширилмоқда. Вилоят рўзномалари ва телевидениеларида эса комиссиямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб борилмоқда.

Президентимизнинг Фармойишида таъкидланганидек, «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тезроқ ишлаб чиқилиб, муҳокама қилиниб, Олий Мажлис сессиясида тасдиқланса, ишончим комилки, деҳқонларимизнинг эртанги кунга ишончи ва умиди янада мустаҳкамланади. Бу эса яратувчилик меҳнатининг асосидир.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Набижон СОБИР суҳбатлашди.**

## етти иқлим садоси

● *ХОРИЖ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА*

**Словакия Республикаси Маданият вазирлиги делегацияси яқинда Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Маданият соҳасида ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш билан бир қаторда, меҳмонларда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ҳам катта қизиқиш уйғотди. Шу йил 12 декабрда «Словакия Республикаси» газетасида ушбу мамлакат маданият вазири ўринбосари Йозеф Краликнинг «Ўзбекистон Словакияда қизиқиш уйғотмоқда» сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Ушбу мақолани айрим қисқартиришлар билан газетхонлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдик.**

# ЎЗБЕКИСТОН СЛОВАКИЯДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА

### БОЙ ХОМАШЁ КОНЛАРИ

Ўзбекистон улкан ишлаб чиқариш ва хомашё салоҳиятига, етарли даражадаги табиий манбаларга, ривожланган ҳаво, темир йўл ва автомобиль йўллари тизимига, қудратли энергетика, салмоқли қишлоқ хўжалиги, барқарорлашган саноат асосларига эгадир. Одамларимизга ушбу давлат ҳақида етарли даражада ахборот берсак мазкур мамлакат ҳақидаги тасаввурлари ўзгариши тайин. Ўзбекистон ҳудуди кенг кўламдаги табиий хомашёларга бой. Айни пайтда 2700 турли хилдаги қазилма бойликлар конлари аниқланган. Улардан 1000 га яқини тадқиқ қилинган. 155 та нефть ва газ, 50 тага яқин ноёб металлар, 40 та рангли металлар ва радиоактив элементлар, жумладан уран, 20 та руда, 463 та қурилиш материаллари хом-ашёси, 3 та тошкўмир ва 151 та ерости сув манбалари тадқиқ қилинган конлар сирасига киради. Ҳар йили республикада 70 тоннадан зиёд олтин қазиб олинади. 100 та маҳаллий минерал ресурслардан фақат 60 таси халқ хўжалигида қўлланилмоқда.

Орол денгизи, Тянь-Шань ва Помир сингари баланд тоғлар, Амударё ва Сирдарё каби дарёлар бағрида ҳали жуда кўплаб сир-синоатлар яширин бўлган саҳролар Ўзбекистонга тегишлидир. Мамлакат жуда қадимий тарих, жаҳоншумул аҳамиятга молик ёдгорликлар, барқарор ривожланиб бораётган сайёҳлик ва улкан инсоний салоҳиятга эгадир. Ушбу мамлакатнинг айрим фазилатлари ана шулардан иборат.



### ЎЗБЕК САНОАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан тортиб оғир саноатгача бўлган саноатнинг барча турлари ривожланган. Асосий соҳа энергетика бўлиб, 37 та иссиқлик ва гидроэлектрстанциялар мавжуд. Ўзбекистон шу қадар кўп миқдорда электр энергиясига эгаки, шу боис унинг бир қисмини экспорт қилмоқда. Мамлакатда машинасозлик ҳам яхши ривож топган. Ўзбеклар пахта териш ва қайта ишлашга ихтисослашган кенг турдаги қишлоқ хўжалик машиналаринигина эмас, ўз автомобиллари ва самолётларини ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Машинасозлик маҳсулотлари экспорт қилинмоқда, айниқса ЎзДЭУ автомобиллари катта муваффақият қозонди.

Автомобиль ва авиа транспорт мамлакатда одатий ҳисобланади. Эрон ҳудуди орқали Осиё ва Европани боғловчи темир йўл ўтган. Ўзбекистон темир йўлларининг узунлиги 3655 км. ни ташкил қилади. Мамлакатни узунлиги 4000 км. бўлган 9 та йирик газ узатиш линиялари кесиб ўтган. Газ билан Ўзбекистон шунчалик таъминланганки, уни экспорт ҳам қилмоқда. Бу нарса нефтга ҳам тааллуқлидир. Олтин заҳиралари бўйича Ўзбекистон дунёда 4 ўринни, уни қазиб олиш бўйича эса 7 ўринни эгаллайди. Мамлакат мис ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда 10-11 ўринда, уран бўйича эса 7-8 ўринда туради.

Республиканинг ўзида қазиб чиқарилаётган нефть ҳисобидан кимё саноати ишламоқда. Фосфорли ва азотли ўғитлар, сунъий тола, пластик материаллар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга асосланган озиқ-овқат саноати қуввати ҳам жуда кучли. Янги ва қайта ишланган мевалар экспорт қилинади. Пахта, табиий ипак, жун, тери енгил саноатнинг асосини ташкил қилади. Қурилиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати катта салоҳиятга эга. Ўзбекистон саноати ва қишлоқ хўжалиги доимий равишда барқарор ривожланиб бормоқда деб, бемалол айтиш мумкин.

### ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

35 та банк ва 70 суғурта жамиятларидан иборат ривожланган банк тизими савдо ривожига кўмаклашмоқда. Норентабель корхоналар тугатилаётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон ҳукуматининг аниқ сиёсати туфайли молиявий интизом мустаҳкамланиб, молиявий тизим самарали ишлай бошлади. Инфляциянинг ўсиши ҳам у қадар юқори эмас. Умуман, Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланиш суръатлари билан кишида умид уйғотади. Дунё Ўзбекистонни давлат сифатида тўла тан олди. Бунга Президент Ислом Каримовнинг АҚШда, Оқ уйда олий даражада қабул қилиниши ва яқинда Қўшма Штатлар биринчи хонимининг Ўзбекистонга ташрифи ёрқин далилдир.

Корхоналарни хусусийлаштириш барқарор давом этаётган жараёндир. Кўпгина соҳаларда, айниқса енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа бир қатор соҳаларда хусусийлаштириш якуний босқичга қадам қўймоқда. Миллий даромадни яратишда хусусий сектор ҳиссаси 70 фоиздан зиёдни ташкил этади.

### СЛОВАКИЯ ФИРМАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакат пойтахти Тошкент шаҳрида бизнинг дипломатик миссиямиз ва савдо ваколатхонамиз муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг саъй-ҳаракатлари билан Словакия номаълум мамлакатдан, яқин ҳамкор давлатга айланди. Талабчан ўзбек бозоридан муносиб жой олишга интилаётган бир қатор фирмаларимиз мавжуд. Тошкентда насослар, суғориш техникаси, электромоторлар ишлаб чиқарадиган «Сима» фирмасининг бўлими — «Сима — Тошкент» фаолият кўрсатмоқда. 100 фоиз словак маблағи ҳисобидан иш кўраётган «Матадор—Т Тошкент» фирмаси автомобиль резинаси ва ёритгичлар савдосига ихтисослашган. «Словак- фарм», «Яса Бардейов», «ОТФ», «Керсани» сингари фирмаларимиз фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Фақат ҳозирча ўзаро ахборот етишмаяпти. Братислава ва Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво алоқаси ўрнатилса, ўзбек ишбилармонлари эътиборига сазовор воқеа бўлур эди. Шундай қилиб «ўзбек ери» шудгор қилиниб баъзилар ўз вақтида «уруғ қадашди» ва энди мўл ҳосил кутишмоқда. Словакия ва Ўзбекистон алоқалари ҳам диққатга сазовор ўрин тутишига ишонадиган вақт келди.

### ҚОРА ДЕНГИЗ ТУБИДА ГАЗ ҚУВУРИ ЁТҚИЗИЛАДИ

*Россия Бош вазири В. Черномирдиннинг ниҳоясига етган Туркияга расмий ташрифи мамлакатда турлича баҳоланмоқда. Маълумки, ушбу ташриф давомида Россия газини Қора денгиз орқали тўғридан-тўғри Туркияга етказиб бериш ҳақида шартнома имзоланди. Бу Россия ва Туркия ҳамкорларга айланиб бораётганлигидан далолатдир.*

### ВАЪДАГА ВАФО

*Шу йилнинг ёзида Россия федерал ҳукумати йил охиригача бюджетдан маблағ оладиган ташкилотларга иш ҳақи бўйича қарзлар, албатта узилади деб, ваъда берган эди. Россия оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, фақат декабрь ойининг ўзида ҳукумат жойларга 10 триллион рубль жўнатиши керак экан.*

*Ҳозирча иш ҳақи бўйича қарз 21 триллионни ташкил этаяпти, деб хабар берди Россия жамоат телевидениеси.*

### ПРЕЗИДЕНТ БАЁНОТИ

*АҚШ Президенти журналистлар билан учрашиб, Бағдод режими БМТ Хавфсизлик кенгашининг барча резолюцияларини сўзсиз бажариши лозим, деди. Шунингдек, матбуот конференциясида, молиявий тангликни бошидан кечираётган Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига тараққий этган давлатлар ёрдам бериши керак, деди Президент.*

### ҒАЛАТИ МУЛЬТФИЛЬМ

*Японияда Токио телевеведениясининг 12-канали орқали «Киссавур» мультфильми намойиш қилинаётган вақтда 600 нафар болани тутқаноқ тутиб қолган. Болалар ўзларига келгач, мультфильм қаҳрамонларидан бирининг «кўзи ёниб» экранда пайдо бўлган вақтда эс-ҳушларини йўқотиб қўйишганини айтишган.*

### ТОЛИБЛАРГА ҚАРШИ ИТТИФОҚ

*Хорижий оммавий ахборот воситаларининг хабарларига қараганда, Афғонистоннинг шимолида толибларга қарши кучлар раҳбарлари — Абдурашит Дўстум, Аҳмад Шоҳ Маъсуд ва Карим Халилий учрашуви бўлиб ўтган. Мулоқот чоғида аксилтолибон иттифоқи тузилиб, толибларга қарши ягона фронт бўлиб курашишга келишилган.*

### СУД БОШЛАНДИ

*Беларусда Россия жамоатчилик телевидениеси мухбири Павел Шеремет устидан суд бошланди. У давлат чегарасини бузганликда айбланмоқда. Маълумки, журналист уч ой қамоқда ҳам сақланган эди. У бундан бир ярим ой муқаддам тилхат асосида озодликка чиқарилган.*

**ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.**

**Ҳаёт бир китоб экан**

# МЕҲР КУНДА КЕРАК

**«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейдилар. Балки шунинг учунми, биз ёши улуғ кексаларимизнинг гапини қулоғимизга олавермаймиз. Инсон табиати қизиқ-да, у ҳаётда йўл қўймаслик имкониятидан фойдаланиш ўрнига хатолар кучоғига ўзини отавераркан. Шундан кўпинча қалбимни тирнаётган, фикру хаёлимни бутунлай эгаллаб олган саволлар қуршовида иккиланиб қоламан.**

Мен кимман ўзи? Нима учун яшаяпман? Умримнинг чорак қисмидан кўпроғини яшаб қўйибман-у, қандай эзгу ишга қўл урдим ўзи? — дея ўзимни сўроққа тутаман. Онам билан қайнонамни бир йилда 3-4 марта кўраман, холос. Ҳузурига ҳар сафар борганимда нималарнидир совға қилиб, кўнгилларини олган бўламан ўзимча. Шу билан фарзандлик бурчимни бажарган ҳисоблаб, енгил тортаман. Қабристонга бормаганимга ҳам ўн йилдан ошиб кетди. Охирги марта ерга чўка бошлаган қабрлар оралаб бобомнинг қабрини кўк рангли панжарадан зўрға таниб олгандим...

Жамиятнинг оғриқ нуқталари мени тобора қийнайди. Миллийлик, қадрият ҳақида сўз кетганда, нимадир юрагимни тирнагандай бўлади. Баъзиларнинг ҳаётга кўр-кўрона қарашлари дилимни ўртайди. Ахир ўзбек халқининг мақтаса арзигулик тарихи бор. Аммо бу тарихнинг кейинги саҳифаларига нима ёзилади? Биз ёшлар бу ҳақда жиддийроқ ўйлашимиз керак-ку! Тан олиш керак, ҳали олдинда ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп. Назаримда, миллий қадриятларимизга қайтиш учун ҳали кўп тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Масалан, халқимизда «Юзга айтганнинг заҳри йўқ» деган нақл бор. Аммо биз кўпинча шу нарсани унутиб қўямиз. Оқибатда ғийбат, фисқу фасод каби иллатлар ўргимчак мисоли бизни ўз тўрига ўраб ташлайди. Негаки биз узоқ йиллар маданиятимиз, маънавиятимизнинг дарз кетган ўрнини «социализм» деб аталмиш тузум зебу зийнатлари билан тўлдирдик...

Яқинда Фарғона вилоятининг Қува туманида бўлдим. У ерда Инсон манфаатлари йили муносабати билан «Меҳр-мурувват уйи» ташкил этилибди. Бу ерда қаровсиз қолган, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган кексалар бемалол ҳордиқ чиқаришлари мумкин экан. Бир қараганда бу савобли иш. Аммо жиддийроқ ўйлаб кўрсак, мана шу меҳр-мурувват, яъни қариялар уйи пайдо бўлишининг ўзи ташвишли эмасми? Чунки бизнинг ўзбек халқимиз болажон халқ. Қарияларнинг ярмидан кўпроғининг фарзандлари, набиралари бор. Фақат улар қарияларни тан олмай қўйишган. Уларга яқиндан ёрдам бериб юрган ижтимоий таъминот бўлими ходими Муҳаббатхон Мирзаева шундай дейди:

— Бу ерда ҳамма шарт-шароит яратилган, бир қанча ташкилотлар ҳомийлик қилишади. Тиббиёт ходимлари қарияларимизнинг соғликларини мунтазам равишда назорат қилиб борадилар. Мен бу ердаги кексаларни ўз ота-онамдай яхши кўраман.

Ўз ёшлигини ишга, фарзандларига бағишлаган бу кексаларнинг аксарияти бугунга келиб ёш гўдакдай меҳр излаб жовдирашади. Уларнинг тилларида миннатдорчилик сўзлари айланса-да, юракларидаги бир оғир тош, кўзларидаги бир мунг менга яққол сезилади. Мана шундай ҳолатни Андижондаги «Қариялар уйи»да ҳам учратгандим бир вақтлар. Кўкси орден-медалларга тўла отахон бир қанча фарзанд ўстириб вояга етказган, уларни уйли-жойли қилган бўлса-да, фарзандлари нафақат уни, балки онасининг ҳам ҳолидан хабар олмай қўйишган экан. Ўша иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, қаҳрамон отахон — ўлим майдонларида кўзига ёш олмаган мард ўғлон энди мункайган чоғида фарзандлар ҳақида гап кетганда ерга қараганича «Ишлари кўпда, вақтлари бўлмаяпти, чоғи...» дея аста жавоб берганди. Бугун отахон йўқ. Фарзандлари энди унинг изларини ҳам топишолмайди. Билмадим, уларни армон-афсуслар қийнайдими, йўқми?..

Унутмайлик, умр ўткинчи. Қолаверса, ҳар бир қилмишимиз учун Яратган олдида жавоб беришдан қочиб қутулолмаймиз.

**Матлуба АЗАМАТОВА.**

TEXACO
ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ЮЛДУЗ
ЖАҲОН ДАРАЖАСИДАГИ АВТОМОБИЛЬ МОЙЛАРИ

• *МОЗИЙДАН САДОЛАР*

**Юртимиз тупроғида улуғ аждодларимиз томонидан бизга мерос қилиб қолдирилган минглаб катта-кичик ёдгорликлар сақланиб қолган. Уларнинг кўпчилиги археологлар томонидан ўрганилиб, илмий жамоатчиликка маълум қилинган бўлса, айримлари ҳалиям ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.**

# ДОБУСИЯ СИРЛАРИ ОЧИЛМОҚДА



**Сир эмас, империя замонида юртимиздан топилган ноёб топилмаларнинг аксарияти «марказ»га олиб кетилиб, изсиз йўқоларди. Оқибатда кейинчалик эшитиб қолардик. Хайриятки, ҳурлик туфайли қадимий бойликларимизни қадрлайдиган бўлдик. Энг қувончлиси, бундай ёдгорликлар ҳақидаги бор ҳақиқатлар айтила бошланди.**

**Шундай ёдгорликлардан бири Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманида сақланган Добусия шаҳри харобаларидир. Ўз бағрида олам - олам сирларни асраб келаётган бу ёдгорлик яқин вақтгача ўрганилмаган эди. Ниҳоят Добусия харобаларида илк бор археологик қазишмалар бошланди.**

**Шу ҳақда Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, Добусия қазилмалар гуруҳининг раҳбари Амриддин Бердимуродов билан суҳбатлашдик.**

**— Добусия шаҳри ёдгорликларини ўрганишга киришибсиз. Бу ёдгорлик қайси жиҳатлари билан сизни жалб этди?**

— Юртимиз тупроғида ибтидоий даврлардан тортиб то сўнгги ўрта асрларга оид сон-саноқсиз қимматли археологик ёдгорликлар сақлангандир. Бу ўзбек археологларини бахти десам адашмайман. Лекин уларнинг барчасини бирданига ўрганишнинг имкони йўқ. Қолаверса, археологларнинг вазифаси фақатгина ёдгорликларни қазишдангина иборат эмас. Қазишмалар жараёнида топилган топилмаларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ўрганиш ва илмий мақолалар, монографияларда ёритиш ҳам керак. Бу кўп вақтни, меҳнатни талаб қилади.

Энди Добусияга тўхталадиган бўлсак, Самарқанд ва Бухорони боғлаб турган Буюк Ипак йўлининг ўртасига жойлашган Добусия ҳар иккала шаҳарнинг ҳаётида, иқтисоди ва сиёсатида муҳим аҳамият касб этган. Добусиянинг Сўғдиёна, қолаверса, Турон тарихида тутган муҳим аҳамияти ҳақида юнон, хитой, араб, турк ва форс тарихий манбаларида маълумотлар сақланган. Шу туфайли асримизнинг бошлариданоқ бу ёдгорликни Н. Ситниковский, И. Кастанье, Л. Зимин, В. Бартольд, А. Якубовский, Я. Ғуломов, В. Шишкин каби шарқшунослар ва археологлар бориб кўрганлар, айрим тадқиқотлар ўтказганлар. Аммо шу пайтга қадар кенг кўламли қазишмалар олиб борилмаган эди.

Добусиянинг археологик жиҳатдан ўрганилиши Сўғдиёна тарихида ҳали ойдинлашмаган кўпгина муаммоларни ечишга олиб келади. Бир мисол келтирмоқчиман. Маълумки, милоддан олдинги 329 йили Александр Македонский Ҳиндиқуш тоғидан ошиб Сўғдиёнага бостириб келган эди. Искандарнинг Сўғдиёнага ҳарбий ҳаракатлари ҳақида юнон тарихчилари кўплаб маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Тарихчи Арриаcontainsнинг ёзишича, юнонларга қарши мардонавор жанг қилган сўғд баҳодири Спитамен, қаттиқ жанглардан сўнг Мароқанд (Самарқанд ) нинг ғарбидаги «подшо шаҳри» га чекинган. Бу маълумот ўша даврда Сўғдиёнада Самарқанддан бошқа яна бир йирик шаҳар мавжуд бўлганлигини билдиради. Ўша даврлардан бошлаб, то бизнинг кунларимизгача олимлар ўртасида бу шаҳарнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида баҳс мавжуд. Бу баҳс ҳозиргача ўз ечимини топгани йўқ. Тарихчи Арриан, бу шаҳарни Самарқанднинг ғарбида жойлашган, деб ёзганига қарамай, айрим олимлар уни Самарқанднинг шарқидан қидирсалар, айримлари Қашқадарё воҳасидан ахтарадилар. Баъзи бир олимлар, «подшо шаҳри» Бухорода бўлган, деган фикрларни ҳам айтиб ўтганлар. Аммо олимлар нима учундир тарихчи Наршахийнинг: **«ҳали Бухоро шаҳри вужудга келмаган, лекин қишлоқлардан баъзилари пайдо бўлган эди... Подшоҳ турадиган катта қишлоқ Байканд эди. Шаҳар «қалъайи Добусий — Добусий қалъаси» бўлиб, шаҳар деб шуни айтар эдилар»** деган маълумотларига, ёки IX-X асрларда яшаб ўтган араб тарихчиси Қудамийнинг, Искандар Сўғдиёнага келганида бу ерда Добусия номли шаҳар бунёд қилдирди, деган маълумотларга унчалик эътибор бермаяптилар. Мен ҳозирча, Арриан тилга олган «подшо шаҳри» Добусиядир, деган қатъий фикрни айтмоқчи эмасман, буни бу ерда келгусида олиб бориладиган археологик тадқиқотлар ҳал қилади, албатта.

**— Сиз ўрганишни бошлаган бу ёдгорликнинг сақланиш ҳолати қандай? У неча қисмдан иборат?**

— Маълумки, икки минг йиллардан ошиқ вақт мобайнида ҳаёт кечирган Добусия шаҳри маданий қатламининг қалинлиги 15-20 метрларга етади. Бу, ёдгорликнинг энг пастки қатламлари, яъни илк ҳаёти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун 15-20 метр чуқурликкача қазиш лозим деганидир. Ёдгорлик ҳозирги ҳолатида уч қисмдан, яъни ҳукмдорнинг Арки аълоси, шаҳарликлар яшаган шаҳристон ва савдогарлар, ҳунармандлар, ҳарбийлар яшаган работдан иборатдир. Ёдгорликнинг шимолий томонидан Зарафшон дарёси оқиб ўтганлиги учун Шаҳристоннинг анча қисмини сув ювиб кетган. Бошқа қисмлари эса бутунлигича турибди. Шаҳар дарвозаларининг ўрни ва улардан бошланувчи кўчалар ҳам яққол кўриниб турибди. Албатта, Добусия ҳам Туроннинг барча қадимги шаҳарлари каби мустаҳкам мудофаа деворларига эга бўлган. Пахса ва ғиштлардан бунёд қилинган мудофаа деворлари ҳам яхши сақланган.

**— Добусиянинг Ипак йўли устида жойлашганлигини айтдингиз. Бу шаҳарнинг Ипак йўлида тутган аҳамияти, қўшган ҳиссаси қандай бўлган?**

— Шарқ мамлакатларидан ғарб мамлакатлари томон йўлга чиққан савдо карвонлари Самарқандда тўхтаб, сўнгра Кумушкент, Иштихон, Кушония, Добусия, Кармана шаҳарларидан ўтиб, Бухорога кетганлар. Ипак йўлининг бу қисми тарихий манбаларда «шоҳ йўли» деб аталади. Бу йўлнинг устида бўлган Добусия шаҳри ҳам Ипак йўлининг тафтидан баҳраманд эди. Добусияда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ юксак даражада тараққий этган. Добусиялик ҳунармандлар тайёрлаган газламалар, кулолчилик маҳсулотлари, металл буюмлар, табиийки, Ипак йўли орқали дунёга тарқалган. Добусияда пахтадан нафис газламалар тўқилганлиги маълум. Юмшоғу, лекин пишиқ қилиб сарғичсимон тусда тўқилган бу газламаларнинг бозори чаққон бўлган. Хуросонда бу газламадан вазирлар, амирлар, қозилар либос кийганлар. Тарихчи ал Мақдисийнинг ёзишича, Добусия газламалари араб мамлакатларида ҳам юксак баҳоланган. Бу газлама Бағдод бозорларида 10 динорgача баҳоланган. Шаҳарда ясалган шиша буюмлар ўз жаранги, нафислиги билан қадрланган. Қизиғи шундаки, ҳозирда ҳам Добусия ёдгорлигининг бағрида ўша қадимги карвон йўлининг излари сақланиб қолган. XI асрда Добусияда танга зарб қиладиган йирик марказ мавжуд бўлган. Бу шаҳарда зарб қилинган тангаларни савдо карвонлари йироқ-йироқларга олиб кетишган.

**— Бу йил бошланган илк қазишмалар қандай натижалар берди? Археологик ёдгорликлар тарихий маълумотларни тасдиқладими?**

— Биз Добусиянинг шаҳристон қисмини қазишни бошладик. Бу ерда маданий қатлам темурийлар давридан бошлаб то кушонлар давригача бориши аниқланди. Албатта, шаҳарлар бирданига пайдо бўлмаганлигини, дастлаб маълум жойда шаклланиб, сўнгра кенгайганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг энг қадимги даври Арки аълога тўғри келади. Келаси йили Аркда ҳам қазиш ишларини бошламоқчимиз. Қазишмалар пайтида топилган сопол идишлар, шишалар, металл буюмлар, тангалар ҳақиқатан ҳам Добусияда ҳунармандчилик ривожланганлигини кўрсатиб турибди. Бу ердан топилган нафис ва пишиқ сопол қувурлар, Добусияда қадим даврлардаёқ водопровод тармоқлари мавжуд бўлганлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, оқава сувлар ҳам махсус қувурлар орқали ташқарига чиқарилган. Бу Добусиянинг Туронда қадим даврларданоқ шаклланган юксак шаҳарсозлик анъаналари асосида қурилганлигини кўрсатиб турибди.

**— Яқинда «Добусияни ўрганиш жамғармаси» тузилганлигини эшитдик. Унинг мақсад ва вазифалари қандай?**

— Добусия каби улкан ёдгорликни ҳар томонлама ўрганиш учун кўп маблағ, куч ва турли соҳа олимларининг яқин ҳамкорлиги лозим бўлади. Шу сабабли Археология институти, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ва туман ҳокимлиги биргаликда жамғарма туздик. Жамғарма ўз олдига бир неча муҳим вазифаларни қўйган. Добусия ҳақидаги барча тарихий маълумотларни йиғиб таржима ва таҳлил қилиш учун шарқшунос олимлар билан ҳамкорлик қилишимиз лозим. Добусия ҳудудидаги мақбара ва қабрларда юзлаб ёзувлар битилган қабртошлар мавжуд. Бу тошларнинг кўпчилигида «Добусий» тахаллусли зотларнинг исмлари сақланган. Маълумки, ўрта асрларда бу ердан кўплаб етук олимлар , файласуфлар етишиб чиққанлар. Айримлар араб дунёсининг йирик марказларидаги мадрасаларда таълим берганлар. Эпиграфчи олимларни жалб қилиб, бу ердаги барча ёзувларни мукаммал ўрганиб чиқмоқчимиз. Тангашунос олимларни жалб қилиб, Добусияда зарб қилинган тангаларни, уларнинг тарқалиш жуғрофиясини аниқламоқчимиз.

Албатта, бу ердаги қилинадиган ишларнинг катта қисми археологлар зиммасига тушади. Жамғармамиз археологик қазишмаларни кенг кўламда олиб боришни мўлжалламоқда. Шунингдек, барча тадқиқотларнинг натижаларини жамлаб, илмий ва оммабоп китобларни нашр этишни мўлжаллаяпмиз. Шуниси қувонарлики, Пахтачи туманининг катта-кичик раҳбарлари, зиёлилари, меҳнаткашлари Добусиянинг ўрганилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрдирлар.

Ўйлайманки, халқимизнинг икки минг йилдан ортиқ бой ўтмишини ўз бағрида авайлаб-асраб келаётган, тупроғида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон каби улуғларимизнинг излари сақланган қадимги Добусия яқин вақтларда бизни яна ўз сирларидан воқиф этади.

**«Халқ сўзи» мухбири Гули ЧЕҲРА суҳбатлашди.**

• *ЛУҚМА*

# ОСТАП БЕНДЕР ҲАМ БИЛМАГАН ҲИЙЛА

***Газеталарда чоп этилаётган, кўча-куйларда илиб қўйилган ва метро бекатларида қўлингизга тутқизилаётган эълонларнинг кўпчилиги юқори маошли ишга таклифлардан иборатдир. Яқинда таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, ўзини Адҳам Исмоилов деб таништирган газетхон қизиқ бир воқеани айтиб берди.***

У ишга таклиф қилаётган фирма манзилига етиб боргач, хушмуомалалик билан кутиб олишибди ва анкета варақаси тутқазишиб таржимаи ҳолини ёзишни сўрашибди. Қўлига эндигина қалам олган экан, аввал анкета варақаси учун 300 сўм тўлаш зарурлигини айтишибди. Пулни тўлаб, анкетани тўлдириб, энди қандай иш таклиф қилишаркин, деб турган пайтда, уни ярим соатга яқин бизнес оламида қандай қилиб жавлон уриш ҳақидаги маърӯза билан бошини қотиришиб, охирида аёллар пардоз-андозига ишлатиладиган турли кремларни кўча-кўйда сотишни таклиф қилишибди. Албатта, олий маълумотли, мактабда ўн йилдан ортиқ ўқитувчилик қилган киши бу ишга рози бўлмади.

У иккинчи бир адрес бўйича йўл олибди. Юқоридаги воқеалар қарийб айнан такрорланибди. Энди синаш учун учинчи худди шундай жойга борганда анкета учун эмас, ўша жойга иш сўраб кирганлиги учун 300 сўм «билет» пули талаб қилишибди.

Газетхоннинг бу гапларига бир ишониб, бир ишонмай, «Труд-7» газетасида чоп этилган йигирмага яқин «Иш» деб кўрсатилган телефон рақамларидан бирини тердик. Ғоятда тавозе билан таклиф қилиндик. Охирида фақат у ерга боришимиздан олдин ўзимиз билан «300 сўм пул ва ручка» олишни унутмаслигимизни алоҳида таъкидлашди. Кейинги рақамларни тердик. Айни шу тарздаги савол-жавоб ва суҳбат охирида эса айни шу таъкид...

Хўш, бу воқеаларнинг нимаси ажабланарли, деб ўйлашингиз мумкин. Биринчидан, анкетада маълумотингиз, касб-корингиз, суҳбат давомида руҳий ҳолатингиз ва лаёқатингизни ўрганиб олган «иш берувчи» сизга шундай бир иш таклиф қиладики, бундай «юмушга» икки дунё рози бўлмайсиз. Кунига ўрта ҳисобда 30 киши «суҳбатдан» ўтказилса 9 минг сўм нақд! Одамларни лақиллатиб, катта маош ваъда қилиб, пул топишнинг бундай антиқа йўли ҳатто Остап Бендернинг ҳам хаёлига келмаган эди.

**Йўлчи РАҲИМ.**


SIEMENS NIXDORF

User Centered Computing



Тадбиркорликка ўткир зеҳн



Тамойилларга сезгирлик



Мижозга эътибор

Ўзбекистондаги ваколатхонамиз:
700000, Тошкент, А.Толстой кўчаси, 23.
Тел.: (371) 136-37-51, 132-03-14,
40-67-50, 40-67-51; факс (3712) 40-64-02.


**Ўқидингизми?**

# АҚЛ КИТОБИ

Ўзбекистон ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида жаҳонга юз тутаётган бир пайтда тил ўрганиш, хорижлик замондошларимиз билан хоҳлаган тилда бемалол сўзлаша олиш ҳам ҳар қачон асқотиши турган гап.

1996 йилда Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги Британия кенгашидан университет ва бошқа олий ўқув юрти талабалари учун пухта ҳамда замонавий инглиз тили дарслигини тайёрлашда ҳамкорлик қилишни сўраган эди. Ушбу китоб дунё юзини кўрди. Word Wise (Ақл китоби) ўз мазмуни жиҳатидан талабаларнинг қизиқишларини шак-шубҳасиз ўзига торта билади. Унда асосан инглиз тилини ўрганиш, ўқиш, сўзлашиш услуби, вақтни тўғри танлаш, тўғри ва чиройли ёза билиш, ҳисоб-китоб қилиш сир асрорларини тезроқ ўзлаштириш имкониятлари, шартлари кўрсатилган.

Китоб бошқа китоблардан жиддий фарқ қилади. У ўқитувчи ва талабаларга дарсликдан ўз вақтида ҳамда ички шароитдан келиб чиққан ҳолда фойдаланишнинг имконини беради. Кўпчилик бўлиб ўрганишни ёқтирганлар учун ҳам, якка ўзи ишлашга одатланган талабалар учун ҳам Word Wise да алоҳида алоҳида кўрсатмалар бор.

Ички саҳифалардаги мазмун, моҳият, мавзулар, матнлар ҳар хил турдаги машқ ҳамда вазифалар тилни катта қизиқиш билан ўрганишга шароит яратади.

**Нормурод МУСОМОВ.**




CD+OK



РАНГ-БАРАНГ, ЁҚИМЛИ ҚЎШИҚЛАР

Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | "Эскижўва" кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | "Мустақиллик" кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |

**CD+OK тизимида CD-ROM компакт-дискларнинг энг янги технологияси қўлланилади. 1 та дискда энг оммавий 800 та рус тилида ва 277 та инглиз тилидаги қўшиқ бор бўлиб, уларга хилма-хил рангли тасвирлар илова қилинади.**

Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG

Эркаклар бақувват бўлиши керак



СТАМИНА

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тел.: 136-09-25



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
*Парламент 133-57-34;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;*
*Иқтисодиёт 136-36-65;*
*Қишлоқ хўжалиги 136-37-85*
*Маънавият 136-35-60, 132-10-65;*
*Хатлар 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;*
*Халқаро ҳаёт 132-11-15;*
*Котибият 133-10-28;*
*Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0823, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир —Қ. Эшматов.
Навбатчи — О. Раҳимов.
Мусаҳҳиҳ —Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 23.15 1 2 3 4 5 6